

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги



Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Жонажон Ватанимизга Янги – 2018 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўътабар нуронийлар, меҳрибон опасингилларимизни, азму шижаотли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, баҳту саодат ва фаровонлик тилайман.

Минг шукрки, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.

Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам кўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан яқунлашга эришдик.

Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадри юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.

Ташқи сиёsat соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янгича рух ва мазмун касб этмоқда.

Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам, Янги йил байрами билан табриклаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Биз Янги – 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили, деб ном бердик.

Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этамиз.

Халқаро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлдир.

Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Янги йилда ҳам халқимиз хаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиз.

Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргалиқда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги – 2018 йилга қадам қўймоқдамиз.

Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!

Барчангизга дунёдаги энг катта баҳт – оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар баҳту камолини қўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

president.uz